

## Меникидан ҳам хунук ёзувни топдим



08:07 / 11.09.2020 3099

Хаттот Абу Бакрдан ривоят қилинади: «Бир фақиҳнинг дастхати жуда хунук эди. Фақиҳлар буни маломат қилишар, «Сенинг ёзувингдан хунук ёзув бўлиши мумкин эмас», дейишар эди. Фақиҳ эса бундан хафа бўлар эди. Бечора фақиҳ бир куни ўзининг ёзувидан ҳам хунук ёзилган бир китобнинг баланд нархда сотилаётганини кўрди. Уни бир динору бир қийротга сотиб олди. «Буни фақиҳ дўстларим кўришса, мени масхара қилмай қўйишади» деб ўйлади. У дўстларининг олдига борган эди, уни кўришлари билан яна ёзувининг хунуклигини гапириб кетишди. Шунда фақиҳ уларга: «Менинг ёзувимдан ҳам хунугини топдим, қиммат бўлса ҳам, маломатларингиздан қутулиш учун уни сотиб олдим», деди. Улар китобни олиб, варақлаб кўра бошлашди. Шу пайт кимдир китобнинг охири саҳифасини очган эди, у ерда хаттот деб шу фақиҳнинг исми ёзилган экан. Билишса, фақиҳ бу китобни ёшлигида кўчириб ёзган экан.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**